

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИРГАШЕВ БЕХЗОД АМИРКУЛОВИЧ

**АБРАЗИВ МУҲИТДА ИШЛОВЧИ МАШИНА АГРЕГАТЛАРИ ТИШЛИ
ҒИЛДИРАКЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ ВА
РЕСУРСИНИ СИРТҚИ ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ БИЛАН ОШИРИШ
УСЛУБИЯТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Иргашев Бехзод Амиркулович

Абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг
ейилишбардошлигини ва ресурсини сиртқи термик ишлов бериш билан
ошириш услубиятини ишлаб чиқиш3

Иргашев Бехзод Амиркулович

Разработка методологии повышения износостойкости и ресурса зубчатых
колес агрегатов машин, работающих в абразивной среде, поверхностной
термической обработкой25

Irgashev Bekhzod Amirkulovich

Development of a methodology for increasing the wear resistance and resource of
gear wheels of machine units operating in an abrasive environment, surface heat
treatment.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИРГАШЕВ БЕХЗОД АМИРКУЛОВИЧ

**АБРАЗИВ МУҲИТДА ИШЛОВЧИ МАШИНА АГРЕГАТЛАРИ ТИШЛИ
ҒИЛДИРАКЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ ВА
РЕСУРСИНИ СИРТҚИ ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ БИЛАН ОШИРИШ
УСЛУБИЯТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертациясини манускрипти Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/TR51 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУКда bajarилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (русча)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.gurii.uz ва «ZiynNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шообидов Шеразмиш Асқарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улмасов Тулқин Усманович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Тўраходжаев Нодир Жамолғироквич
техника фанлари доктори, профессор

Қариниев Мамарамис Сапарович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қирини муҳандислик - иктисодиёт институти

Диссертация химояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019 К/Т 03.01 рақамини Илмий кенгашнинг 2025 йил «20» февраль, сонат 14^{чи} даги анжуманида бўлиб ўтди (Маниси: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73, 246-02-34, E-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДУК биниси, 2-қават, анжуманлари зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот ресурслари марказида таништириш мумкин (№41-24 - рақами билан рўйхатга олинган) (Маниси: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73).

Диссертация автореферати 2025 йил «10» февраль, куни тарқатилди.
(2024 йил «12» ноябрь №41-24 рақамли реестр баённомаси)


С.С. Негматов
Илмий директорлар берувчи илмий кенгаш
раиси, УшД-ФА академикси, т.ф.д., профессор


М.А. Искрамова
Илмий директорлар берувчи илмий кенгаш
академикси, т.ф.д., к.и.х.


Н.Х. Талипов
Илмий директорлар берувчи илмий
кенгаш илмий раиси, т.ф.д., профессор



КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда машина ва механизмларнинг хизмат муддатини узайтириш учун деталларнинг ейилишбардошлилиги ва умрбоқийлигини ошириш мақсадида абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг иш ресурсини сиртки термик ишлов бериш орқали ошириш усуллари ишлаб чиқишга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада, жумладан машина агрегатлари тишли узатмаларининг ейилишбардошлилигига ва ресурсига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, етакловчи ва етакланувчи шестерня тишлари ейилиш тезликларининг нисбати орқали уларнинг ейилиш миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва абразив муҳитда ишловчи тишларнинг қаттиқлигини ҳисоблаш ҳамда уларнинг иш ресурсини сиртки термик ишлов бериш орқали ошириш усуллари яратиш ва амалиётга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилигини ва иш ресурсини ошириш, очик ва ёпиқ тезлаштирувчи ва пасайтирувчи тишли узатма шестерня тишларининг ейилишбардошлилигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва сиртки термик ишлов бериш билан уларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш услубларини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, машиналарнинг функционал кўрсаткичлари, уларнинг механизмлари ва трансмиссия агрегатларининг ишлаш даражаси, сифати ва ишончлилигини тизимли тарзда ошиб бориши, сиртки термик ишлов беришнинг тишли ғилдираклар модулига, узатмаларнинг узатиш нисбатига, тишларнинг қаттиқлигига ва абразив муҳитга боғлиқ ҳолдаги турини танлаш услубини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги органоминерал ингредиентлардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган машина ва механизмларнинг ишчи органларини ишлаш қобилияти ва ейилишбардошлилигини ошириш, табиий иқлим шароитларининг қўлланилаётган машиналарнинг иш ресурсига ва трансмиссия агрегатлари тишли ғилдиракларининг ишлаш қобилияти ва самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилигини ва ресурсини сиртки термик ишлов бериш билан ошириш услубиятини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги №ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги №ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2023 йил 29 мартдаги №ПҚ-103-сон “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Машина деталларига, хусусан тишли ғилдиракларга сиртқи термик ишлов бериш технологияларини мукаммаллаштиришга ва абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлигини ва иш ресурсини термик ишлов бериш орқали ошириш услубиятини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, “U.S.Smeltng Refiningand Mining Co” (АҚШ), “Reykin Piston of Tokio” (Япония), “European Association of Alloy” (Бельгия), “Москва пўлат ва қотишмалар институти” (МИСИС, Россия), “Киев политехника институти” (Украина), “Белорусь давлат техника университети” (БГТУ, Беларусь), Institute of Materials Science (АҚШ), Institute of Materials Science and Engineering (Германия), Materials Science Institute (Англия), Institute of Materials Science of Barcelona (Испания), National Institute for Materials Science (Япония), The Erich Schmid institute of materials science of the Austrian academy of sciences (Австрия), Institute of Materials Science (Литва), Латвия ФА полимерлар механикаси институти, РФА Н.С.Ениколопов номидаги синтетик полимер материаллар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат техника университети “Фан ва тараққиёт” ДУК (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёнинг барча саноат соҳаларидаги машина ва механизмларнинг ишчи органларини ишлаш қобилияти ва самарадорлигини ҳамда умрбоқийлигини ошириш мақсадида абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини ошириш бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: эксплуатация даврида

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: cyberleninka.ru; mash-xxl.info; doicode.ru-2-03.pdf; science-bsea.narod.ru; studizba.com; stroy-technics.ru; ru.wikipedia.org; mash-xxl.info; de.donstu.ru; studopedia.org; repo.ssau.ru; hon1.ru; poznayka.org; studref.com; ex-kavator.ru; turboreferat.ru; studik.net; otvet.mail.ru; studizba.com; vk.com; http://techliter.ru; gkfenix.ru; oem.chebo.ru; center-sr.ru; verdosplav35.ru; habr.com.ru; metalworkind.com; neftemashtd.ru; ru.wikipedia.org; e-metall.ru; old.bigenc.ru; therm.pro; formung.ru; profbau.ru; stankoff.ru; bigenc.ru; met-all.org; fianum-lab.com; granat-e; soctrade.com; studfile.net; ohranatruda.ru; cyberleninka.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тракторнинг цементацияланган тишли ғилдиракларини тебранишга барқарорлигини ошириш усули ишлаб чиқилган (БГТУ, Беларусь); техник темирни газ – термоциклик азотлашда диффузион қатламнинг ҳосил бўлиши ҳисобига шестерня тишларининг ейилишбардошлигини ошириш усули яратилган ва ишлаб чиқилган (ТулГТУ, Россия); химоя мақсадида фойдаланиладиган азотлашни амалга ошириш технологияси ишлаб чиқилган (УралГУ, Екатеринбург, Россия); тишли ғилдиракларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган янги азотлаш технологияси яратилган (ХПИ, Харьков, Украина); лазер ёрдамида қиздириш ва пўлатларни азотлаш билан легирлаш қурилмаси ишлаб чиқилган (МАДИ, Россия) азотлаш термогаз-цикли жараён таъсирига асосланган технология яратилган (МГТУ, Россия), автомобил, трактор ва йўл қурилиш машиналарининг очик, ёпик ва тезлаштирувчи (пасайтирувчи) тишли ғилдиракларини ресурсини сиртки термик ишлов бериш усулларининг самарадорлигини оширишга эришилган Institute of Materials Science (АҚШ), Institute of Materials Science and Engineering (Германия), Materials Science Institute (Англия), Institute of Materials Science of Barcelona (Испания), National Institute for Materials Science (Япония), The Erich Schmid institute of materials science of the Austrian academy of sciences (Австрия), Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фан ва тараққиёт” ДУК (Ўзбекистон).

Жаҳонда иккиламчи хомашё ва техноген чиқиндилар асосида ишлаб чиқилган машина ва механизмларнинг деталлари ва агрегатларининг ейилишбардошлилигини ва иш ресурсини ошириш учун уларни тайёрлашда қўлланиладиган компонентларнинг оптимал таркиблари, физик-механик, технологик ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш, технологик жараёнларни бориш механизмларини аниқлаш ва илмий асослаш, абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлилигини ва иш ресурсини сиртки термик ишлов бериш билан ошириш услубиятини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан автомобил йўллари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган махсус техникаларнинг ишчи агрегатларини ейилишбардошлилигини ва иш ресурсини ошириш мақсадида абразив муҳитда ишловчи махсус техникаларнинг деталларида содир бўладиган технологик жараёнлар механизмларининг ўзгаришларини аниқлаш, машина ва механизмларни агрегатларининг эксплуатацион ва физик-механик хоссаларини асослаш, автомобил ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қўлланиладиган ҳамда ишлаб чиқариш шароитида фойдаланиш учун узоқ муддатга хизмат қилишни таъминлайдиган, саноатнинг замонавий талабларига жавоб берадиган деталларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида машиналарнинг трансмиссия агрегатлари деталларининг ейилишбардошлилигини ва уларнинг иш ресурсини ошириш бўйича I. Dudas, V.V. Konchits, M. Braunovic, G. Kazkaz, M. Puppala, Дж. Шрайбфедер, В.П. Онищенко, С. А. Корниловичлар, машина агрегатларининг очик ва ёпик

узатмаларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини оширишга қаратилган тадқиқотлар қатор хорижий олимлар Sun Hong, Chang Xiaofang, Wang Shuren, Yan Yutao, Ding Jinyuan, Q. J. Wang, J. Wojnarowski, М.М. Тененбаум, Ю.Н. Дроздов, В.В. Гриб, И.В. Сокол, С. А. Корнилович, Д.Н. Гаркунов, Г.И. Скундин, М.И. Городецкий ва бошқалар, механизм қисмларининг ейилишини пасайтириш имконини берувчи услубларни яратиш ва ишлаб чиқиш бўйича мамлакатимиз олимлари У.А. Икрамов, К.Х. Маҳкамов, Ш.А. Шообидов, А.И. Иргашев, Р.У. Шукуров ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Мавжуд ишлар таҳлилларига кўра шуни айтишимиз мумкинки, ушбу тадқиқотларда ишчи муҳит таркибида абразив заррачалар мавжуд бўлган ва бўлмаган ҳоллар учун мустаҳкамловчи ишлов бериш тури ва детал материалларининг механик хусусиятлари ҳамда сирт ғадир - будирликлари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу диссертация иши айнан мазкур муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №15-004 «Машина ва механизмларни куч узатиш агрегатлари деталларининг техник ҳолатини, уларни бўлакларга ажратмасдан зудлик билан диагностика қилиш», №Ф-2-27 «Мобил машиналарни ва саноат ускуналари агрегатларининг тишли узатмаларининг ейилишбардошлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини сиртқи термик ишлов бериш билан ошириш услубиятини ишлаб чиқишдан иборат.

Тақиқотнинг вазифалари:

машина агрегатлари тишли узатмаларининг ейилишбардошлигига ва ресурсига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

очиқ ва ёпиқ, тезлаштирувчи ва пасайтирувчи тишли узатмаларининг ейилишбардошлигига ва ресурсига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

сирпанишли думалаш ва думалаш шароитларида ишлайдиган сиртқи мустаҳкамловчи термик ишлов берилган машина агрегатлари очиқ ва ёпиқ узатмалари ғилдираклари тишларининг ейилиш тезликлари ўзаро боғлиқлигини назарий тадқиқ қилиш;

сиртқи термик ишлов бериш усуллари билан мустаҳкамланган ғилдирак тишларининг ейилишбардошлиги ва ресурси самарадорлиги тадқиқ қилиш;

роликли намуналар аналоглар ёрдамида узатмалар тишлари ейилишбардошлигини аниқлаш тажриба синовларини ўтказиш ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида машина агрегатларининг очиқ ва ёпиқ, тезлаштирувчи ва пасайтирувчи тишли ғилдираклари олинган.

Тадқиқотнинг предмети машина агрегатларининг тишли ғилдираклари илашмасининг абразивли муҳитда ейилишбардошлилигига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш методологияси ҳамда контакт юзаларини мустаҳкамлаш усуллари танлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда статистик таҳлил, эҳтимоллар назарияси, пухталиқ ва детал материалининг ишқаланиш сиртларида абразив заррачалар иштирокида ва иштирокисиз кечадиган толиқишига асосланган ейилиш назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

абразив муҳитда ишловчи тишли ғилдирак тишларининг ейилишбардошлигини аниқлаш учун умумий ейилиш тезлиги абразив заррачалар иштирокида ва уларсиз содир бўладиган ейилиш тезликларидан иборатлигига асосланган илмий-назарий қараш ишлаб чиқилган ва асосланган;

шестерня тишлари ишқаланиш сиртининг технологик ва мувозанатлашган ғадир-будирлигининг ўзаро нисбатини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган;

очик тишли узатмалардан фойдаланишда атроф-муҳитнинг чангланиш ва ёпиқ тишли узатмалардаги абразив заррачаларнинг мойдаги чегаравий миқдорини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган;

етакловчи ва етакланувчи шестерня тишлари ейилиш тезликларининг нисбати орқали уларнинг ейилиш миқдорини аниқлашнинг назарий усули ишлаб чиқилган;

шестерня тишларининг абразив заррачалар иштирокида ва уларнинг иштирокисиз, думалашдаги ва сирпанишли думалашдаги ейилишбардошлигига таъсир кўрсатувчи геометрик ва кинематик кўрсаткичларни аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

очик ва ёпиқ тишли ғилдирак тишларининг думалашдаги ва сирпанишли думалашдаги ейилиш тезлигини ҳисоблаш услубияти яратилган;

етакланувчи шестернянинг ейилишбардошлигига ва ресурсига боғлиқ бўлган мустаҳкамловчи термик ишлов бериш турини аниқлаш имконини берувчи тишларнинг қаттиқлигини ҳисоблаш аналитик боғликлари аниқланган;

мустаҳкамланган қатламнинг қалинлиги асосида сиртқи мустаҳкамловчи копланмали тишли ғилдиракнинг ресурсини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шестернялар тишларининг ейилиш механизмини аниқлаш мақсадида тезлаштирувчи ва пасайтирувчи узатмаларнинг етакловчи ва етакланувчи шестернялари тишларининг қаттиқлигини ва ейилишбардошлигини танлаш услубияти ишлаб чиқилган;

машина агрегатларини ишлатиш жараёнида ҳажмий тоблаш, юқори частотали ток билан тоблаш, цементациялаш ва азотлаш сиртқи термик ишлов бериш усуллари билан мустаҳкамланган тишли ғилдиракларнинг

ейилишбардошлиги ва ресурси, мустаҳкамланган қатлам қалинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, замонавий тадқиқот услуги ва воситаларнинг ҳамда компьютер дастурларининг қўлланилганлиги ва яратилганлиги, шестерня тишларининг ейилишбардошлиги ва ресурсини оширишга қаратилган назарий ва тажриба тадқиқотлари натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тезлаштирувчи ва пасайтирувчи тишли ғилдираклар ейилишбардошлигини ва ресурсини баҳоловчи услубиятлар ишлаб чиқилганлиги, шестерня тишлари сиртидаги технологик ва мувозанатлашган ғадир-будирлик кўрсаткичлари қийматларининг машина агрегатларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш босқичларида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти агрегатлар шестерняларининг ейилишга қаршилигини ҳажмий тоблаш, юқори частотали ток билан тоблаш, цементациялаш ва азотлаш орқали мустаҳкамлаш, шестерня тишлари сиртларининг сирпаниш даражасини, ғадир-будирликларини баҳолашнинг, етакланувчи тишли ғилдирак тишларининг қаттиқлигини танлаш орқали уларнинг ейилишбардошлиги ва ресурсини ошириш мумкинлигининг асосланганлиги ҳамда тадқиқотлар натижаларидан бошқа турдаги узатмалар ейилишбардошлиги ва ресурсини оширишда фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абразив муҳитда ишловчи машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилишбардошлигини ва ресурсини сиртқи термик ишлов бериш билан ошириш услубиятини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экскаватор, автомобиль ва майдалагичларнинг очик тишли узатма шестерняларининг материали пўлат 40Х ни пўлат 65 Г га алмаштириш ишлари «Қорақалпоғистон Республикаси йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармасининг 10 январь 2023 йилдаги 03/67-сонли маълумотномаси). Натижада, шестерняларнинг ейилишбардошлигини 31% гача ва ресурсини 35% гача ошириш имконини берган;

йўл-қурилиш материалларини тайёрлашда иштирок этувчи махсус техникаларнинг очик тишли узатмаларида ҳажмий тоблашнинг юқори частотали ток билан тоблашга алмаштириш жараёнлари «Қорақалпоғистон Республикаси йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармасининг 10 январь 2023 йилдаги №03/67-сонли маълумотномаси). Натижада, махсус техникаларнинг очик тишли узатмаларининг ейилишбардошлиги ва ресурси 33-37% гача ошириш имконини берган;

очиқ тишли узатма шестерняларига ҳажмий тоблаш ўрнига юқори частотали ток билан тоблаш жараёнлари «Қорақалпоғистон Республикаси йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармасининг 10 январь 2023 йилдаги №03/67-сонли маълумотномаси). Натижада, жадал ейилиш натижасида муддатидан аввал яроқсиз ҳолатга ўтган ёпиқ тишли ғилдираклар сонини 55-60% гача камайтириш ҳисобига трансмиссия агрегатларининг ресурсини 28-32% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 16 та, жумладан 6 та Халқаро ва 10 та республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий ишлар chop этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 11 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида, 3 та монография эълон қилинган ва 2 та дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 171 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Машина агрегатлари тишли узатмаларининг ейилишбардошлиги ва ресурсига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида машина агрегатлари шестерняларини ишлатиш жараёнида содир бўладиган ейилиш ва шикастланиш турлари келтирилган. Машина агрегатлари тишли ғилдиракларининг ейилиши ёки бузилиши найжасида содир бўладиган носозликлар уларнинг иш қобилиятини тиклаш учун узок муддат туриб қолишини, катта миқдордаги моддий ресурсларнинг сарфланишини талаб этади.

Сиртки термик ишлов берилганда цементацияланган қатламнинг қалинлиги 0,5-2,0 мм, азотланган қатламнинг қалинлиги 0,3-0,6 мм ни ташкил қилади, улар ҳар доим ҳам машина агрегатларининг тишли ғилдираклари учун кўзланган ресурсни таъминлай олмайди. Ундан ташқари, шестерня тишларини сиртки мустаҳкамлаш жараёнида, кескин совитиш ёки қизитишда ички қолдиқ

кучланишларнинг ортиши ва нотекис тақсимланиши содир бўлади. Тоблаш дарзлари, деталларнинг қийшайиши, шестерня тишлари материали механик хусусиятларининг ўзгариши юз беради.

Диссертациянинг «Ишлатиш шароитида фойдаланиладиган шестерняларнинг ейилишбардошлигига ва ресурсига таъсир кўрсатувчи омиллар» деб номланган иккинчи бобида шестерняларнинг ейилишбардошлигига ва уларнинг ресурсига таъсир этадиган омилларнинг таҳлили асосида назарий асослар ишлаб чиқилган. Узатмалар қутисида, орқа кўприкда, қўшимча охириги узатмада содир бўладиган носозликларнинг кўпчилиги тишли ғилдиракларнинг, валларнинг, подшипникларнинг ва яримўқларнинг ейилиши ва шикастланиши натижасида содир бўлади.

100 К.11 ТТЗ русумдаги ғилдиракли тракторларининг туриб қолиш таҳлили шуни кўрсатадики, туриб қолиш трансмиссия агрегатларининг носозликлари натижаларида содир бўлган, бунда содир бўлган носозликларнинг 13% узатмалар қутисига, 14% орқа кўприкка (трактор траъмирлашда умумий туриб қолишидан). Тракторларнинг меъёрдан ортиқ туриб қолиш натижасида йўқотилган даромад 39% ни ташкил қилган (1-жадвал).

1 - жадвал

Бир таъмир оралиғи циклида 100 К.11 ТТЗ трактори трансмиссия агрегатларида алмаштирилган деталларнинг нуқсонлари бўйича тақсимланиши

Деталларнинг ишчи сиртларини нуқсонлари	Нуқсонлари бўйича алмаштирилган трансмиссия агрегатларининг деталлари, %			
	тишли ғилдираклар	шлицали валлар	думалаш подшипник- лари	орқа кўприк яримўқлари
Чегаравий ейилиш	47,8	9,8	40,4	10,3
Пластик деформация	9,1	41,9	13,6	69,7
Тишлашиб қолиш	19,5	-	8,9	-
Деталларнинг ишчи сиртларининг толиқишдан ейилиши	13,1	3,5	22,3	-
Буралишдаги деформацияланув	1,5	18,5	-	-
Мўртликдан синиш	5,2	13,0	10,4	20,0
Носозликларнинг бошқа турлари	3,8	13,3	4,4	-
Ҳаммаси	100	100	100	100

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра 100 К.11 ТТЗ трактори агрегат мойига тушувчи абразив чанги, мойни алмаштириш даврида шестерня тишларининг қалинлиги бўйича ейилиши 48,4% ни ташкил қилган.

Тракторлардан бир таъмир орағида фойдаланилганда 19,5% шестернялар тишларининг каллак ва пой қисимларда сирпаниш содир бўлишидан тишлашиб қолиши. айрим ҳолатларда эса тишли ғилдиракларни пластик

деформацияси, мўрт синиши ва буралишдаги деформацияланиш натижасида яроқсиз ҳолатга ўтади.

Трансмиссия валларининг нуқсонлари асосан, шлицаларнинг пластик деформацияси, буралишдаги деформацияланиш, шлица тишларининг қалинлиги бўйича ейилиши натижасида содир бўлади.

Думалаш подшипникларидаги носозликларни алмаштиришга олиб келувчи сабабнинг асосий қисми халқаларни ва думалаш элементларининг ейилиши 40,4% ни, ишқаланиш сиртларининг толиқиши 22,3% ва пластик деформация 13,6 ни ташкил қилган.

Машиналардан фойдаланиш даврида ярим ўқларнинг асосий қисми шилицалик қисмининг пластик деформацияси 69,7% ни, ярим ўқ стерженининг мўртлик натижасида синиши 20% ташкил қилган.

Шестерня тишлари орасида содир бўладиган нисбий сирпанишнинг ҳисоб натижалари 2-жадвалда келтирилган, унинг қийматлари шестерня тишларининг каллаги ва пойи учун турлича бўлиши мумкин.

2 - жадвал

Тишларнинг нисбий сирпаниш коэффициентининг илашманинг баландлик коэффициенти k га нисбатан ўзгариши

k	0,000	0,167	0,333	0,500	0,667	0,833	1,000
$z_{ш}$	Шестерня тишларининг сирпаниш коэффициенти ψ , етакловчи шестерня каллаги учун,						
11	0,000	0,873	1,645	2,331	2,967	3,559	4,115
15	0,000	0,908	1,706	2,439	3,125	3,759	4,367
19	0,000	0,920	1,748	2,513	3,236	3,906	4,566
23	0,000	0,929	1,776	2,571	3,311	4,016	4,695
27	0,000	0,936	1,795	2,611	3,378	4,115	4,808
31	0,000	0,940	1,812	2,639	3,425	4,184	4,902
$z_{ш}$	Шестерня тишларининг сирпаниш коэффициенти ψ , етакланувчи шестерня пойи учун						
11	0,000	0,849	1,565	2,169	2,695	3,165	3,597
15	0,000	0,889	1,642	2,309	2,907	3,448	3,937
19	0,000	0,905	1,692	2,404	2,865	3,636	4,184
23	0,000	0,917	1,730	2,469	3,155	3,788	4,386
27	0,000	0,923	1,757	2,525	3,236	3,891	4,525
31	0,000	0,927	1,776	2,564	3,300	3,984	4,651

Нисбий сирпаниш коэффициенти шестерня тишларининг каллагида ва пойида шестерня тишларининг орасида сирпаниш мавжудлигини кўрсатади. Нисбий сирпаниш коэффициенти қуйида келтирилган ифода орқали ҳисобланади:

$$\psi = \sqrt{z_{ш}^2 \cdot \sin^2 \alpha + 4 \cdot k \cdot z_{ш} \pm 4 \cdot k^2} - z_{ш} \cdot \sin \alpha, \quad (1)$$

бунда $z_{ш}$ - етакловчи шестерня тишларининг сони; α - илашиш бурчаги; k - тишнинг баландлик коэффициенти.


Шестерня тишларида сирпаниш бўлганда ейилиш тезлигини ҳисоблаш ифодасини соддалаштириш мақсадида шестерняларнинг қаттиқлиги ва

абразив заррачаларнинг сиқилишга мутаҳкамлигининг нисбатини ҳисобга олувчи коэффициент киритилган:

$$\Gamma_{w,k} = \frac{3(H_{w,k}\sigma_a - \sigma_a^2)^{1/2}}{H_{w,k}} + 4 \cdot \left(\frac{\sigma_a}{H_{w,k}} \right)^{1/2}, \quad (2)$$

бунда $H_{w,k}$ - етакловчи (етакланувчи) шестерня материалининг каттиқлиги, МПа; σ_a - абразив заррачанинг сиқилишга мустаҳкамлиги, МПа.

Шестерня тишларининг понасимон тирқишида жойлашган абразив заррачаларнинг майдаланишга олиб келувчи нормал сиқиш кучланиши қуйидаги ифода орқали аниқланади:



1 - расм. Абразив заррачаларнинг ўлчамига боғлиқ бўлган ҳолда, абразив заррачанинг сиқилишга мустаҳкамлигининг ўзгариши

2-расмда келтирилган график боғланиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, абразив заррача ўлчамининг катталашини билан унинг майдаланишига олиб келувчи нормал сиқувчи кучланишнинг пасайиши содир бўлади:

$$\sigma_a = \frac{4P_a}{(\pi d_{yp}^2)}, \text{ МПа.} \quad (3)$$

Бунда P_a -абразив заррачага таъсир кўрсатувчи нормал куч, Н; d_{yp} - абразив заррачанинг ўртача ўлчами, мм.

1-расмда келтирилган боғланишда, абразив заррачаларнинг ўлчами ортиб бориши билан, уларни нормал юклама билан сиқилиши натижасида абразив заррачаларнинг майдаланиш юкламасини пасайишига сабаб бўлади.

Ушбу ҳолат мойдаги ейилиш жараёнида иштирок этувчи майда абразив заррачалар ейилишбардошлик жиҳатидан ҳавфли эканлигини кўрсатади.

Машиналардан фойдаланиш шароитида агрегат қартерининг герметиклик даражаси ва атроф-муҳит чанглилиги ўзгармас бўлган ҳолда агрегат мойида тўпланиб борувчи ейилиш жараёнида иштирок этувчи абразив заррачаларнинг миқдорини ҳисоблаш учун қуйидаги ифодани таклиф этиш мумкин:

$$\varepsilon_k = k_1 \cdot \delta_z - \varepsilon_0 = \frac{\delta_z \cdot (2 \cdot k_1 - B \cdot (k_1 - 1) \cdot (k_1 - (k_1 - 2) \cdot B))}{2} \quad (4)$$

бунда δ_z - етакланувчи шестернянинг бир айланишида мойга тушувчи абразив заррачанинг миқдори; Б - етакланувчи шестерня бир айланиш содир этганда майдаланган абразив заррачаларнинг миқдори.

Атроф муҳитдан агрегат мойига тушувчи абразив заррачаларнинг миқдорини етакланувчи шестерня бир айланиш содир этгандаги ўзгариши қуйидаги нисбатдан аниқланади:

$$\delta_z = \frac{\varepsilon_{об}}{N} \quad (5)$$

Бунда N - агрегатдаги мойни алмаштириш муддатида етакланувчи шестернянинг айланишлари сони.

Агрегат мойида бир юкланиш цикли давомида майдаланган абразив заррачаларнинг ҳиссаси қуйидагича аниқланади:

$$B = \frac{2 \cdot n_1 \cdot m \cdot d_{cp} \cdot \delta_z \cdot \gamma_m \cdot k_p}{G_m} \quad (6)$$

Бунда n_1 - тишлари мойга ботган шестерня жуфтликларининг сони; m - илашиш модули, мм; γ_m - мойнинг зичлиги г/см³; G_m - агрегат картерига қуйиладиган мойнинг массаси, кг.

Абразив заррача ва шестерня тишларининг ишқаланиш сиртлари орасида мой пардасининг мавжудлиги улар орасидаги ишқаланиш коэффицентининг пасайишига олиб келади, натижада шестерня тишлари орасига кирувчи абразив заррачаларнинг энг кичик ўлчами кичиклашади:

$$d_{\max \text{ м}} = d_{\max \text{ с}} - 2h_a \quad (7)$$

Бунда $d_{\max \text{ с}}$ - қуруқ ишқаланишда шестернялар тишлари орасидаги понасимон тирқишга тушувчи абразив заррачаларнинг энг катта ўлчами, мм; h_a - шестерня тишлари орасидаги мой пардасининг қалинлиги, мкм.

Шестернялар тишлари орасида мой пардаси мавжуд бўлганда, ишқаланиш коэффиценти:

$$f_{\text{мэн}} = f_{\text{can}}^2 - \frac{(\rho_w + \rho_k)^2 + \rho_w \cdot \rho_k \cdot f_{\text{can}}^2 - h_a^2}{\rho_w \cdot \rho_k}, \quad (8)$$

бунда f_{can} - қуруқ ишқаланишдаги тишлар орасидаги ишқаланиш коэффиценти; ρ_w ва ρ_k - мос ҳолда етакловчи ва етакланувчи шестерня профили туташув нуктасининг эгрилик радиуслари, мм.

Қуруқ ишқаланишда сирпаниб ишқаланиш коэффицентининг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$f_{\text{can}} = \frac{3,11 \cdot \left(1 - \sqrt{1 - 6 \cdot (c \cdot \sigma_T \cdot \theta)^2}\right)}{c \cdot \sigma_T \cdot \theta}. \quad (9)$$

Бунда c - деформация коэффиценти; σ_T - тишли ғилдирак материалнинг оқувчанлик чегараси, МПа; θ - эластиклик доимийлиги, 1/МПа.

Шестерня тишлари орасидаги понасимон тирқишда мой пардаси бўлганда, ушбу тирқишга кирувчи абразив заррачаларнинг энг катта ўлчами:

$$d_{\max m} = \left((\rho_w + \rho_k)^2 + \rho_w \cdot \rho_k \cdot f_{\text{can}}^2 \right)^{1/2} - (\rho_w + \rho_k), \text{ мм.} \quad (10)$$

Шестерня тишларининг ейилиш жараёнида шундай абразив заррачалар иштирок этиши мумкинки, уларнинг ўлчами тишлар орасидаги мой пардасининг қалинлигидан кичик бўлмаслиги лозим, яъни:

$$d_{\min} = h_{\min} + s_c, \text{ мм.} \quad (11)$$

Бунда $h_{\min}$ - шестернялар тишларининг орасидаги мойнинг энг кичик қалинлиги, мм; s_c - шестерня тишлари сиртларининг эластик деформацияси, мм.


Шестерня тишларининг ейилиш жараёнида иштирок этувчи абразив заррачаларнинг ўртача ўлчами:

$$d_{\text{cp}} = \sqrt{d_{\max} \cdot d_{\min}}, \text{ мм} \quad (12)$$

Ғилдирак тишларининг белгиланган ейилишбардошлигини таъминлаш илашиш модулига, тишли узатманинг геометрик-кинематик кўрсаткичларига, шестерня тишларининг механик хусусиятлари ва ейилиш тезлигига ҳамда ейилиш жараёнида иштирок этувчи абразив заррачаларнинг ўлчамига боғлиқ:

$$\varepsilon_{\text{ш.к}} = \frac{0,212 \cdot H_{\text{ш.к}}}{\sigma_a} \cdot \sqrt{\frac{\gamma_{\text{аш.к}} \cdot \text{tg} \delta \cdot b \cdot z_{\text{ш.к}} \cdot n_{\text{рш.к}}}{d_{\text{cp}} \cdot \Gamma_{\text{ш.к}} \cdot n_{\text{ш.к}} \cdot m \cdot (\text{tg} \delta + 1) \cdot k_v \cdot \psi_{1,2}}}, \quad (13)$$

Шундай қилиб, ҳисоб натижалари шуни кўрсатадики, шестерня тишларининг ейилишбардошлигини таъминлашда етакчи ва етакланувчи шестернялар учун мос ҳолда абразив заррачаларнинг мойдаги миқдори 0,54% ва 0,60% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.



2 – расм. Етакланувчи тишли ғилдирак тишларининг ейи-лишбардошлигини таъминловчи абразив заррачанинг чегаравий рухсат этилган мойдаги миқдорининг абразив заррачанинг ўлчамига боғлиқ бўлган ҳолда ўзгариши: 1 – пўлат 40Х; 2- пўлат 65 Г

Очиқ тишли узатма ишлайдиган муҳитнинг чегаравий чанглилик даражаси қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$[\varepsilon_e] = \frac{[\gamma_{\text{ак}}^2] \cdot H_{\text{к}}^4 \cdot n_{\text{рк}}^2 \cdot \gamma_a \cdot z_{\text{к}}^2 \cdot z_{\text{ш}}^2 \cdot L^2 \cdot i^2}{4,52 \cdot k_a \cdot m^3 \cdot \sigma_a^4 \cdot \Gamma_{\text{к}}^2 \cdot d_{\text{cp}} \cdot n_{\text{к}}^2 \cdot (z_{\text{к}} - k)^2 \cdot \psi_2^2}. \quad (14)$$


Тишларнинг чегаравий ейилиши тезлиги, уларни қалинликлари бўйича чегаравий ейилиши орқали аниқланади, ГОСНИТИ тавсияларига мувофиқ

унинг қиймати 20-25% чегарасида, ушбу ҳолат тишли узатмага қўйилган талабларга боғлиқ, ушбу чегара шеестерня тишларининг қадамининг 20% га тенг қилиб қабул қилинган. У ҳолда етакланувчи шестерня тишнинг чегаравий ейилиш миқждори:

$$[U_n] = 0,1 \cdot \pi \cdot m, \text{ мм.} \quad (15)$$


Илашиш модули $m=3$ мм бўлган етакланувчи филдирак тишининг илаш муддати 500 соат бўлганда ейилиш тезлиги қуйидагича аниқланади:

$$[\gamma_{ак}] = \frac{0,1 \cdot \pi \cdot m}{T_g} = \frac{0,1 \cdot 3,14 \cdot 0,0003}{500} = 0,0001884, \text{ мм/ соат} \quad (16)$$



3 - расм. Сферик шаклдаги ғадир-будирлик модели асосида бажарилган кесик конус шаклдаги ғадир-будирлик моделининг схемаси

Фойдаланиладиган сферик модель айрим камчиликларга эга, ғадир-будурликнинг ишқаланишнинг сиртининг узунлиги ва эни бўйича кетма-кет жойлашганлиги. Ҳақиқатда эса бундай ғадир-будирликнинг жойлашиши ҳеч қандай стандат қонуниятга эга эмас.



4 - расм. Технологик ғадир-будурлик баландлигини ҳисоблаш схемаси


Конуссимон шаклда моделлаштирилган ғадир-будурлик бўртламаларида улар туташув юзасини ҳосил қилади. Уларнинг қиймати мустаҳкамлик чегарасидан ошмаганда туташув жараёнида ортиб боровчи туташув юзасини ҳосил қилади. Бунжда ҳосил бўлган муванашлашган ғадир-будурлик кесик конус шаклига эга бўлади.

Конуссимон шаклда моделлаштирилган ғадир-будирлик бўртламаларида шестернялар ишқаланиш сиртларининг сиқилишга мустаҳкамлигидан

ошмайдиган барқарор юкламаларда ишлаш жараёнида текис ортиб боровчи туташув майдони ҳосил бўлади.


Ҳосил бўлган мувозанатлашган ғадир-будирлик модели кесик конус шаклига эга бўлади.

Сферик ва кесик конус кўринишдаги шаклга эга бўлган моделларнинг ишқаланиш жараёнида, шестерня тишлари ишқаланиш сиртларининг деформацияланиш ҳажмининг ва ейилиш тезликларининг тенглигини таъминлаш 4 расмда келтирилган схема асосида олиб борилди. Мувозанатлашган ғадир-будирликнинг баландлиги h технологик ғадир-будирлик баландлиги H нинг 0,69 қисмини ташкил этиши аниқланган. Тишли ғилдирак бўртламасининг контр жисм сиртига ботиши натижасида диаметри $2R$ га тенг бўлган туташув доғи ҳосил бўлади.




**5-расм. Тишнинг баландлик
коэффициентига нисбатан
шестерня тишлари ҳақиқий
туташув майдонининг ўзгариши**

Технологик ғадир-будирликнинг H - h тенг бўлган қисми мослашиш жараёнида ейилишга учрайди. 3-жадвалда келтирилган ҳисоб натижаларига кўра, илашиш модули 1 мм бўлган тиш сиртининг ғадир-будирлиги етакловчи ғилдирак учун 8-синфга, етакланувчи тишли ғилдиракда эса, 7-синф ғадир-будирлигига тўғри келади.



**6-расм. МТЗ-82 трактори
орқа кўприги шестерняси
ейилган тиши каллак (пой)
қисмлари ишқаланиш сиртлари
микроструктураси (x250)**



**7-расм. МТЗ-82 трактори
орқа кўприги шестерняси ейилган
тиши илашиш қутби соҳасининг
микроструктураси (x250)**

5-расмда келтирилган боғланиш шуни кўрсатадики, шестерня ҳақиқий туташув юзасининг ортиб бориши тишнинг баландлик коэффициентига боғлиқ ҳолда деярли симметрик шаклга яқин.

Илашмадаги амалдаги туташув юзаси шестерня (6 - 7 расмларга қаранг) илашиш модулининг паст қийматларида, илашиш модулининг катта

қийматларига нисбатан ҳақиқий ва номинал туташув майдонларининг нисбати юқори бўлади.


3 -жадвал

**Тишли узатманинг илашиш модулига ва юкламасига боғлиқ бўлган
ҳолда етакловчи ва етакланувчи шестерня тишлари ғадир -
будирлигининг ўзгариши**

Илашиш модули, мм	Тишлар- нинг ейилиш тезлиги, мм/соат	Тишлар- нинг узуниги, мм	Илаш- мадаги юклама, ГН	Келти- рилган эгрилик радиуси, мм	Мослашишдан кейинги сирт ғадир- будирлигининг баландлиги, мкм	
					Етакчи	Етакланувчи
1,0	0,000025	13	0,075	6,33	0,13	0,14
2,0	0,000050	26	0,150	12,66	0,22	0,24
4,0	0,000100	52	0,300	25,32	0,36	0,39
6,0	0,000150	78	0,450	37,98	0,50	0,54
8,0	0,000200	104	0,600	50,64	0,62	0,67
10,0	0,000250	130	0,750	63,30	0,73	0,77
12,0	0,000300	156	0,900	75,96	0,83	0,88

Диссертациянинг учинчи «Шестерня тишлари ейилишбардошлигининг назарий тадқиқотлари» бобида тишли узатма ишлайдиган ишчи муҳитда абразив мавжуд бўлган ва бўлмаганда, шестерня тишлари орасида думалаш ва (ёки) сирпанишли думалаш содир бўлган ҳолатлар учун ейилиш тезлигини ҳисоблаш масалалари ўз ечимини топган.

Абразив заррачаларнинг шестерня тишларига ботиш чуқурлигига боғлиқ бўлган ҳолда тишларнинг туташуш соҳасининг эластик-пластик деформацияси ёки микроқирқиш жараёнлари содир бўлиши мумкин (8-расм).



**8-расм. МТЗ-82 трактори
орқа кўприги шестерняси
абразив заррачалар
иштирокида ейилган тиши
сиртининг микроструктураси
(x250)**

Думалашли сирпанишда агрегат шестернялари тишларининг ейилиш тезлигини ҳисоблашда, агар ейилиш жараёнида абразив заррачалар иштирок этмаган ҳолат учун, агар илашма етакловчи шестернянинг каллаги (пойи) ва етакланувчи шестернянинг пойида (каллагида) содир бўлса, етакловчи (етакланувчи) шестерня тишининг ейилиш тезлиги:


$$\gamma_{\text{дш,к}} = \frac{5807,5 \cdot P \cdot \theta \cdot \gamma_n \cdot n_{\text{ш,к}} \cdot (z_{\text{ш,к}} + k) \cdot \psi_{1,2}}{i \cdot z_{\text{ш,к}}^2 \cdot z_{\text{ш,к}}^2 \cdot n_{\text{рш,к}} \cdot b}, \text{ мм/соат} \quad (17)$$

Бунда P - тишли узатмага қўйилган айлантирувчи куч, Н; θ - эластиклик доимийлиги, 1/МПа; γ_n - таянч сиртларининг қийшайиши натижасида ейилишбардошлигининг пасайиш коэффиценти.

Очиқ тишли узатманинг тишлари орасида думалаш содир бўлганда, ейилиш жараёни тишли илашманинг илашиш кутбида содир бўлади, унда ушбу ҳолат учун ейилиш тезлиги:

$$\gamma_{ак,ш} = \frac{0,000058875 \cdot \varepsilon_6 \cdot \sigma_a^2 \cdot d_{ср}^2 \cdot n_{к,ш} \cdot (6 \cdot H_{к,ш} - \sigma_a)}{H_{к,ш}^3 \cdot n_{рк,ш} \cdot i \cdot L \cdot \gamma_a}, \text{ мм/соат} \quad (18)$$

